## Истиқлол тенгдошига мукофот

Пойтахтнинг Республика Олимпия шон-шуҳрати музейида ўзига хос тантана бўлиб ўтди. Бу ерга яқинда якунланган Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларининг совриндорлари ҳамда халқаро мусобақаларнинг ғолиблари таклиф қилинди. Республика спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳсидов спортчиларимизни зафарлари Ватан довруғини оширишда алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Улар қўлга киритаётган ютуқлар юртимиз нуфузини янада ошириш, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини эътироф этди. Шундан кейин ғолибларни шарафлаш маросими бўлди. Мухлисларга яхши таниш моҳир шахматчи, гроссмейстер Рустам Қосимжоновнинг ажойиб ғалабаси муносиб тақдирланди. Унга Ўзбекистон Миллий банки ҳомий сифатида уч хонали уйнинг калитини топширди. Францияда ўтказилган «Кичик тур — де Франц» халқаро турнирида кутилмаганда моҳир пойгачиларни ортда қолдириб маррага биринчи бўлиб келган Хушнуд Камолиддинов эса Республика «Соғлом авлод» жамғармаси томонидан ажратилган янги велосипед билан тақдирланди. Йиғилишда тўпланганларни яна бир воқеа ҳаяжонга солди. У ҳам бўлса, бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида иштирок этиб, кикбоксинг бўйича бронза медали совриндори бўлган Бекзод Жамолов ҳам муносиб шарафланишидир. Қизиғи шундаги Бекзод истиқлол тенгдоши. У 7 ёшини нишонлаб турибди. Ўйлаймизки, Истиқлол болалари келажакда Ўзбекистон довруғини сарбаланд бўлишида камарбаста бўладилар.

*Абдуғаффор ОМОНБОЕВ*

## Баҳслар, совринлар

**Спорт**

**Сузиш.** Осиё ўйинларига ҳозирлик кўраётган спортчиларимиз Ўзбекистон чемпионатида астойдил маҳорат кўрсатишди. Хусусан, Саида Искандарова 50 ва 100 метрга батерфляй, 50 метрга чалқанча, 200 метрга эркин ва комплекс сузишни ўрнига қўйиб, 5 та олтин медалли бўлди. Шунингдек, навойилик А. Королева билан тошкентлик Е. Лисицкая иккитадан олтин медаль олишди.

**Самбо.** Тошкентда ўтказилаётган Осиё чемпионатида гуруҳлар бўйича ғолиблар аниқланмоқда. Жумладан, ёшлардан Дўстмурод Арзиев, Шавкат Баратов, Чориёр Ҳайитов, Михаил Бектошов, Солоҳ Муротовлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Ўсмирлардан Латиф Латипов, Саидкарим Алимов ва Абдулло Тангировлар ҳам олтин медалли бўлдилар.

*Анвар МИРЗО*

## Китоб байрами



Республика Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан воҳада ўтказилган китоб байрамига ёзувчи ва шоирлар, пойтахтдаги қатор нашриётлар раҳбарлари, болалар вақтли нашрларининг муҳаррирлари ташриф буюрдилар.

Байрам кўҳна Хивадан бошланди. Нуруллабойда китоблар кўргазмаси, китобхонлар билан учрашув, Огаҳий боғида мушоира давраси бўлди. Халқ шоири Омон Матчон ташрифдан мақсадни баён қиларкан, истиқлолдан сўнг китоблар нашр қилишнинг янги поғонага кўтарилганини айтди. Меҳмонлар Маъмун Академияси биносини кўздан кечирдилар.

Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги дала шийпонида китобхонлар билан учрашув қизиқарли ўтди. Ҳовуз бўйидаги асрий гужумлар соясида мушоира сеҳрли тус олди.

Китоб байрами тадбирларида вилоят ҳокими муовини Т. Дўстчонов, Хива шаҳар тумани ҳокими М. Мадаминов, Боғот тумани ҳокими Ш. Хўжаниёзовалар қатнашадилар.

*Рўзимбой ҲАСАН,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*


**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)



*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

**1998 yil 1 avgust, shanba № 90 (22.327).**

*Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan*

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛК ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**


## Турмуш чорраҳаларида

# Тақдир

*Навбатдаги иш куни бошланган. Зулайҳо ҳар доимгидек барвақт келиб, хоналарни кўздан кечириб чиқди, болалардан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Вақт тушга яқинлашганида, ўзининг хонасида ўтириб қоғозларини тартибга солмоқда эди. Шу пайт хона эшиги очилиб чиройли бир аёл ва эркак кириб келишди. Уларни ўтиришга таклиф қилмоқчи бўлган Зулайҳо йигитга қаради-ю, қотиб қолди. Шу вақтгача эътиборсиз турган йигит Зулайҳони кўриши билан «Сен?! Сиз... Яхшимисиз?» — дея олди, холос. Бу ҳолдан ажабланган аёл Зулайҳога нима гап дегандек қараб турарди. Зулайҳо дарҳол ўзини қўлга олиб, собиқ «курсдоши»дан ташрифи сабабини сўради. Уларнинг фарзандлари йўқлиги, бола асраб олиш учун бу ерга келишганини эшитиб сесканиб кетди. Шу пайт йигитга қарата, «Сенга энди фарзанд керакми? Вақтида фарзандингдан воз кечиб кетган эдинг, энди бегуноҳ норасиданинг уволига қолибсанда!», дея дод солгуси келди. Бироқ, манави кўзлари гуноҳсиз боқиб турган аёлни фарзандсизликдан сиқилиб турганида, яна қийнаб нима қилдим. Ахир у бегуноҳ-ку деб, фикридан қайтди. Керакли йўл-йўриқларни тушунтириб, уларни эшиккача кузатиб қўйди.*

*Зулайҳо деразадан болаларнинг шовқин солиб ўйнашларини кузатар экан, ўзининг ўтган умрини эсларди...*

*Қадди-бастн келишган, тим қора кўзлари кишига мағрур боқувчи, оловқалб, шўх эди ёшлигида. Орзулари бир дунё қиз отаси каби ҳуқуқшунос бўлиш илинжида шаҳарга келди. Синов имтиҳонларини яхши топшириб, талабалик гаштини сура бошлади. Зулайҳо кўзга яқин бўлгани учунми ё ўзининг шўхлиги сабабми кўп йигитлар севги изҳор қилишар, мағрур қиз эса ҳеч кимга кўнгил қўя олмас эди. Нима бўлдию Зулайҳо Ўткирбекни учратди...*

*Бир-биридан қувончли кунлар ўтиб борарди. Бу икки ёшнинг муҳаббатидан хабардор бўлганлар уларга ҳавас кўзи билан қарашарди. Шу орада Зулайҳо иккинчи курсни, Ўткир эса тўртинчи курсни тамомлаш арафасида тоққа дам олгани чиқишди...*

*Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтиб, Зулайҳо ўзида ўзгаришлар сеза бошлади. Ва бу хабарни Ўткирбекка етказди. Аммо, йигит:*

*«Сенга кўпдан бери айтолмай юргандим, уйдагилар мени бир қизга унаштириб қўйишибди. Уларга қарши боролмайман. Лекин, хоҳласанг сенга уйланишим мумкин. Фақат бироз сабр қил. Қилган хатоим учун мени кечир!» — дея киприк қоқмай туриб олди.*

*Бечора қиз икки ўт орасида қолиб, узоқ йиғлади. Аммо, энди кеч эди. Бир томонда номус, ота-она обрўси, оила шаъни, бир томонда эса, қиз жисмида ўзгаришлар ясаб, ўзининг борлигини эслатиб турган мурғак вужудга бўлган меҳр бор эди. Қиз узоқ ўйлади ва никоҳсиз фарзанд билан ўтадиган умрини қоронғуликда кўриб, фарзандидан воз кечишга аҳд қилди...*

*Тун оға бошлаган чоғ. Атрофдагиларга эътиборсиз, қоқиниб-сурининб бир қиз кетиб борарди. Хаёли паришон, ёноқлари изтироб ёшлари билан бетўхтов ювилаётган ожиза шу кезда қаерга кетаётганини ўзи ҳам билмасди. Бунинг устига гўзал фарзандини ташлаб кетаётганидан қаттиқ аламда эди...*

*Зулайҳо ортиқ шаҳарда қололмади. У эртаю кеч фарзандини ўйлар, кечалари тушида мурғаккина ўғлининг чинқириб йиғлашларига дош беролмасди. Балки унутиб юборарман деган умидда ўқишни ташлаб, ҳар хил баҳоналар билан уйига қайтиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Зулайҳо бир оилага келин, бир йигитга эса гулдек севимли ёр бўлди. Отаси уни ўзлари каби тагли, тахтли, ўқимишли оилага — ёлғиз ўғилга узатди. Зулайҳо ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, кишининг ҳавасини келтирарли даражада яшар эди. Аммо, фарзанди бўлмади. Ҳар қанча ҳаракатлари зое кетди... Энди Мурод мени ташлаб кетади ёки ўғлим борлигини унга айтсаммикин. Лекин, отамчи, у мени кечирармикин?» — деган ўй-фикрлар Зулайҳога тинчлик бермасди. Лекин, Зулайҳонинг Муродга бўлган ҳурмат-эътибори сабабми, Зулайҳонинг гўзаллиги сабабми (Зулайҳо Муроднинг беғараз севгисига шунча йил бирга яшашса ҳам ишонмас, у бутунлай муҳаббатга ишончини йўқотган эди) Мурод уни ташлаб кетмас, бу ҳақда оғиз очгудек бўлса, қаттиқ койиб ташларди. Йиллар ўтган сайин Зулайҳо тинчини йўқотар, фарзандини қидириб топиш умиди унга тинчлик бермасди. Бечора қиз фарзандининг туғилган кунида ўзича қувонар, уни эслаб куюнар эди. Охири бўлмади. Шаҳарга қайтиб, болалар уйига ишга жойлашди. Унинг инжиқлигию-хархашаликларига кўникувчи Мурод ҳам шаҳар касалхоналаридан бирига ишга кирди. У Зулайҳодан 5 ёш катта бўлиб, малакали жарроҳ эди. Уйда кўп бўлмасди. Бундан фойдаланган Зулайҳо тинимсиз равишда ўғлини қидирарди. Бироқ, ўшанда тайинли бирор манзилни билиб олмаган, фақатгина қўрқув ва азобда исмини Умид қўйинглар дея дугонаси топган доя кампирга икки кунлик гўдакни ташлаб кетаверган экан...*

*Зулайҳо шуларни ўйлар экан, яна икки ҳафтадан сўнг Умиджонни етти ёшга тўлишини, бу йил мактабга чиқишини ўйлаб, йиғлаб юборди. У фарзандини умрининг охиригача қидиришга аҳд қилган. Ҳар бир болага менинг болам Умид шу эмасмикин деган илинжда тикиларди. Ўзи ишлайдиган болалар уйи жажжиларига фарзандига беролмаган меҳрини беради, уларни эркалаб қувончу ғамига шерик бўлади. Бироқ, қилган гуноҳини ювиб бўлармикин, фарзандини топа олармикин, мўъжиза рўй бериб топганда-чи, фарзанди тан оладими?! Ахир ўз бахтини ўйлаб ташлаб кетаётганида Умиджонини ўйламаган эди-ку? Ўткир-чи, у фарзанд сўрашга, фарзандлик бўлиш бахтини кўришга ҳаққи бормикин?!*

*Бечора аёл биргина хатоси учун бир умр қийналишга маҳкум, тўкис ҳаётидаги энг олий бахт — оналик бахтидан маҳрум.*

**Адиба ҒОЙИБОВА**



*Тоғ йигитлари*

*Шавкат АКРОМОВ олган сурат*

## Шаҳар ҳокими нега қамалди?

Теҳрон шаҳри ҳокими Ғулом Ҳусайн Қорбосчи беш йиллик қамоқ жазосига, 60 та қамчи зарбаси ва йирик пул жаримасига ҳукм қилинди. Бундан ташқари у кейинги 20 йил ичида жамоат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. У коррупцияда айбланмоқда. Собиқ ҳоким ўз ҳокимиятидан фойдаланиб, кўплаб давлат маблағини ўзлаштириб олган. Қўйилаётган барча айбларни рад этаётган Қорбосчи ўз ишини қайта кўриш учун судга ариза бериши ҳам мумкин. Қайта судгача эса эркинликда юради. Теҳрон ҳокими устидан суд жараёнининг амалга оширилиши консерваторларнинг Президент Ҳотамий тарафдорларини ҳокимиятдан четлатишга навбатдаги уринишидир. Қорбосчи 300 минг АҚШ долларидан зиёд жарима тўлаши керак. 60 дарра уриш эса тўрт йилга кечиктирилди. Судланган киши 20 кун ичида қайта судловга ариза бериши мумкин.

Қорбосчи ўзига қўйилган айбларни сиёсатга йўймоқда. У собит ислоҳотчи бўлиб, ўтган йили унинг қўллаб-қувватлаши оқибатида ҳозирги Президент Ҳотамий юқори лавозимга сайланган эди.

Қорбосчининг айтишига кўра, ҳукмрон доиралар айрим маълумотлар олиш учун унинг ёрдамчиларини қийноққа солишган. Ҳокимни суд қилиш жараёни телевидение ва радио орқали намойиш қилиниб, кенг жамоатчиликнинг эътибори жалб этилди. Қорбосчи иши юзасидан суд жараёни мамлакатда ислоҳотчилар билан Эрон сиёсатида қатъий йўл тутаётган вакиллари ўртасида кураш тўхтамаётганлигидан далолат беради.

## «Пурҳикмат сатрлар» ўйланмаси

***Азиз муштарийлар!***

**Қуйидаги сатрлар форс-тожик адабиётининг машҳур намояндаларидан бири, жаҳоншумул шуҳрат эгаси, таваллудининг 950 йиллиги нишонланган Умар Хайём (1048-1122) ижодига мансуб. Аввал сатрларда келтирилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.**

***1. Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,***
***Чаманда юз очган ҳамдами яхши.***
***Яхшимас кечаги кундан 19, 12. 17 очмоқ,***
***Қувнаб кел, бу куннинг ҳар дами яхши.***

2. Бу кун келар экан қўлингдан, зинҳор
Азизлар хотирин 10, 4, 21 15, 6, э дилдор.
Ҳуснинг салтанати турмас абадий,
Тўсатдан қўлингдан кетиши ҳам бор.

***3. Сабодан бўлибди гул ёқаси 20, 4, 22,***
***Гул юзидан бўлмиш булбул тарабнок.***
***Гул тагида ўтир, чунки жуда тез,***
***Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз хок.***

4. Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир 24, 3 юзин қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни кул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилгандан озод.

***5. Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат,***
***Малакдай гўзалнинг юзидаги 25, 2, 6.***
***Бу сабза лоладек юзлар тупроғи,***
***Сабзага айланиб оёқ қўй ғоят.***

6. Кимки бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй — ошиёни,
На биров унга қул, на у біровга,
Айт, шод яшайверсин, хушдир 17, 2, 8, 4, 1, 9.

***7. Бегона ҳам вафо қилса, 18, 9, 5, 2, 3 менга***
***Қариндошим жафо қилса, дигар менга.***
***Заҳар дардга даво бўлса, тарёкдир ул,***
***Асал агар ёқмас экан, заҳар менга.***

8. Сен — мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,
Айланган 11, 2, 14, 2, 22 ҳам бутун бор эди.
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

***9. Бу ернинг юзида ҳар зарраки бор,***
***Бир замон бўлмишди ой юзли дилдор.***
***Нозанинлар юзин гардин аста арт,***
***Гўзал чеҳра эди бир вақт бу 16, 23, 7, 4, 3.***

10. Дўстлар, иноқликни қилингиз 7, 23, 1, 26, 21,
Тез-тез 21, 9, 13, 21, 4, 3 кўриб, ўзни айланг шод,
Соқий тоза майни сузганда, айланг,
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд.

Энди шаклдаги рақамларни очқич жавобларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, ўйланмани ечинг. Ундан мумтоз ижодкорнинг ҳаё ҳақидаги бир рубоийси аён бўлади. Умар Хайём рубоийларини ўзбек тилига ўгирган таниқли олим ва шоир, таржимон исм-шарифини биласизми?




*Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ*

## Халқаро суд олдида жавоб берадилар

«Локерби иши» деб номланган жиноятда гумон қилинаётган Ливия фуқаролари Ал-Амин Ҳалифа Фухейма билан Абдул Босит ал-Мукирхи агар ўзларининг хавфсизликлари таъминланадиган шароит вужудга келтирилса, БМТнинг Гаагадаги халқаро суди олдида Шотландия қонунлари асосидаги муҳокамаларда қатнашишга рози эканликларини билдиришди.

Маълумки, 1988 йилнинг декабрида Шотландиянинг Локерби қишлоғи осмонида «Пан-Американ» авиалайнерининг портлаб кетиши натижасида асосан АҚШ ва Буюк Британия фуқаролари бўлмиш 270 йўловчи ҳалок бўлган эди. Ливия фуқаролари эса ушбу қўпорувчилик ҳаракатида айбдор эмасликларини исботлашмоқчи.

Фухейма билан ал-Мукирхининг Гаагадаги суд қаршисида жавоб беришга тайёр эканликларини Триполида байналмилал адвокатлар гуруҳи аъзоси Иброҳим ал-Говейл расмий равишда тасдиқлади.

ЎзР ФА Тарих институти жамоаси директор муовини, тарих фанлари номзоди М. Ж. Жўраевга акаси **Иброҳимжон ЖЎРАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси институтнинг бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор М. Абдуллаевага турмуш ўртоғи **Пўлат Арабович МЎМИНОВ**нинг бевақт вафот этиши муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми жамоаси ва касаба уюшмаси ташкилоти Қишлоқ хўжалиги ва Ер ҳақидаги йўналишлари бўйича илмий мувофиқлаштирув кенгашининг илмий котибаси, кимё фанлари номзоди Г. А. Алимовага умр йўлдоши, профессор **О. Т. РАСУЛОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**БЎЛИМЛАР:**
*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс — 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 24-54-61;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

Навбатчи муҳаррир *Тўлқин ЭШБЕК,*
навбатчи *Юсуф ЖЎРАЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
*Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр Ҳамидов*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
**Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

**Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004**
**Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.**

**Ҳажми 2 босма табоқ**



**«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади**



**Г — 0156**

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*Топширилди — 0.40*
**1 2 3 4 5 6.**

**СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА**